

## **Давлат тест имтихонларида мухофаза таъминланди**

Истиқлолга эришганимиздан сўнг ёш авлодга, айниқса, уларнинг таълим тарбиясига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бугун кележагимиз ворисларининг ҳар жихатдан етук кадрлар бўлиб этишиб чиқишлари учун барча шароитлар муҳайё. Миллий минталитетимизга йўғрилган, Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида олиб борилаётган таълим соҳасидаги барча ислоҳотлар замирида ёш кадрларнинг порлоқ келажагини кўрмоқдамиз.

Дархақиқат, ёшлар ҳар бир давлатнинг келажагини, салоҳиятини белгиловчи муҳим ижтимоий қатлам саналади. Жамиятнинг ҳолати, тақдири ва истиқболи эса унда яшаётган ёшларнинг салмоғи, маънавияти ва онглилиги даражаси билан белгиланади.

Ҳар йили 1-август санасида мамлакатимиздаги барча олийгоҳларда кириш имтихонлари учун давлат тест синовлари бўлиб ўтади. Айни ушбу жараён ҳам мамлакатимиз ривожида ўз ҳиссасини кўшишда самарали меҳнат қилишга бел боғлаган барча абитуриентлар учун катта синов бўлиб, йилдан йилга унинг кўлами кенгайиб бормоқда. Бу йил ҳам ҳар йилгида нисбатан тест синовлари юқори савияда қизғин тарзда ташкил этилди.

Тест синовлари бўлиб ўтган бино атрофлари ободонлаштирилиб, абитуриентларнинг ота-оналари ва яқинларининг дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Жумладан, имкон даражасида салқин жойлар, соябонлар, ўриндиқлар, санитария-епидемиология маркази томонидан руҳсат этилган салқин ичимликлар ва энгил озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси ташкил этилди. Тест синовлари ўtkазилаётган барча жойларда ҳудудий Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари билан ҳамкорликда хавфсизлик чоралари кўрилди. Шунингдек, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида зарур кучлар ва техника воситалари жалб этилди. Тест синовлари ўтказилган ҳудудларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимларининг фаолияти таъминланди. Тест материаллари жойларга

ўз вақтида етказиб берилиб, уларнинг даҳлсизлиги таъминланди ва барча хавфсизлик чоралари белгиланиб, шу асосда ишлар олиб борилди.

Хусусан, пойтахтимизда жойлашган барча олийгоҳларда ҳам кириш имтихонлари кўтаринки рухда ўтказилди. Албатта уларда барча тегишли хизматлар сингари Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимларининг ҳам хиссасини алоҳида таъкидлаш лозим. Соҳа ходимларининг айни жараёнларда хавфсизлик чораларини олиб бораётган ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида шаҳримиздаги айрим олийгоҳлар томон йўл олидик ва ҳамкасларимизни сухбатга тортдик.

***Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Ақбар Юнусов.***

— Айтиш керакки бу йилги давлат тест имтихонлари ҳар йилгига нисбатан ўзгача ташкил этилди. Бу эса ҳукуматимизнинг йилдан йилга таълим олиш иштиёқида бўлган ёшларга бераётган юксак эътиборидан далолатдир. Шахсан мен ўзим ҳам бугун бўлаётган давлат тест синовлари даврида уларнинг хавфсизлигини таъминлашда ўз хиссамни қўшаётганлигимдан хурсандман. Мустақил ҳаёт остонасида турган ўғилқизларнинг юз-кўзларида илмга бўлган иштиёқ ва келажакка бўлган юксак ишончларини кўриб беихтиёр қувонасан киши. Тошкент ахборот технологиялари университетида ушбу йилда 9059 нафар абитуриент ўз хужжатларини топширдилар. Қарийб 18000 нафар ота-оналар учун эса маҳсус кутиш ва овқатланиш жойлари ташкил этилди. Имтихон аввалида университетнинг фуқаро муҳофазаси тузилмалари билан хавфсизлик бўйича йўриқнома ўтказилиб, барчага ўз вазифалари белгилаб берилиди. – Мазкур университет марказий автомобиль йўли ёқасида жойлашганлиги сабабли биз асосий эътиборни йўл транспорт ходисаси билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга қаратганмиз. Бундан ташқари университет рўпарасида жойлашган Аква паркка қарашли автотурагоҳ ҳам айни имтихон жараёнлари пайтида меҳмонлар ихтиёрига топширилди. Тест синовлари уюшқоқлик билан, тартибли, холисона ва адолатли тарзда, амалдаги тартиб-қоидаларга мувофиқ юксак савияда ўтказиляпти.

## **Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошиқармаси ходими Бегзод**

**Абдуллаев:**

— Айни дамда Мирзо Улугбек тумани йиғма механизатсиялашган отряди, хусусан ички ишлар, ёнғин хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш, Давлат санитария эпидемиология ҳамда солиқ хизматлари билан ҳамкорликда биз хавфсизлик чораларини олиб бораётган Тошкент иригатсия ва мелиоратсия институтида ҳам давлат тест синовлари ҳар йилгидан фарқли ўлароқ аъло даражада ташкил этилди.

— Абитуриентларнинг ота-оналари учун маҳсус жойлар ташкил этил этилган бўлиб, бу эса ўз ўрнида фарзандларини bemalol кутиб, мароқ чиқаришлари учун қулайлик яратади. Қолаверса, Тез ҳаракат қилиш республика кўп тармоқли маркази кутқарувчилари ҳам ушбу институтга бириктирилган бўлиб, айни дамда юз бериши мумкин бўлган турли фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга шай туришибди. Ўйлаймизки бу йил ҳам барча абитуриентларимиз давлат тест синовларини ҳеч қандай хавф-хатарсиз топшириб чиқадилар.

Ҳа, ҳамкасларимизнинг бундай қатъиятли ва ўзига ишонч билан айтган сўзларини тинглар эканмиз, талаба бўлиш орзусида келган барча абитуриентлар хақиқатан ҳам Ватанимиз посбонларининг қатъий назоратида эканлигига яна бир карра амин бўлди. Ёшлар жамиятнинг эртанги келажаги, унинг фаол аъзоси, таъбир жоиз бўлса жамият эртасининг муносиб ворисларидир. Биз эса ана шу келажагимиз ворисларига омадлар тилаб қоламиз.